

# Трактор ва автомобиллар

**Амонов Мансур Очилович**



Кафедра мудири, доцент

Тел.: (998 71) 237 2534

Email: [m.amonov@tiame.uz](mailto:m.amonov@tiame.uz)

Тракторлар ва автомобиллар кафедраси Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти таркибида иш бошлаган дастлабки кафедралардан бири, кафедра 1934 йилда ташкил этилган. Дастлабки йилларда кафедра таркибида 4 та ўқув лабораторияси фаолият кўрсатган. Кейинчалик Трактор ва автомобиллар кафедраси негизида Ички ёнув двигателлари ва Иссиқлик техникаси кафедралари ташкил этилган. 2004 йилда Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультети Тошкент давлат аграр университетига ўтказилгандан кейин кафедра аъзолари ТДАУнинг Қишлоқ хўжалик машиналари, фойдаланиш ва таъмирлаш, Тошкент ирригация ва мелиорация институтининг Гидромелиорация ишларини механизациялаш кафедралари таркибига қўшилган. 2017 йил сентябрдан Тракторлар ва автомобиллар кафедраси янгитдан қайта ташкил қилинди. Бугунги кунда кафедрада Трактор ва автомобиллар, Ички ёнув двигателлари, Иссиқлик техникаси ва қишлоқ хўжалигида иссиқликдан фойдаланиш, Термодинамика ва иссиқлик узатиш асослари, Ёнилғи мойлаш материаллари, Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлик асослари каби фанлар бўйича дарс машғулоти олиб борилади. Турли муддатларда Ички ёнув двигателлари, Иссиқлик техникаси кафедраларини Д.Х.Ҳакимов, А.И.Келдиев, Х.М.Бабаев, Г.Г.Умаров, Трактор ва автомобиллар кафедрасини А.Н.Нинов, В.П.Богданкин, Н.В.Сабλικов, П.А.Абдурахмонов, А.А.Каримов, Х.Х.Хайруллаев, А.И.Камилов, О.У.Салимов, И.М.Марупов, З.С.Искандаровлар бошқарганлар, ҳозирги кунда кафедра мудири лавозимида М.О.Амонов фаолият олиб бормоқда.

Бугунги кунда кафедрада профессор Г.Г.Умаров, профессор в.б. Имомов Ш.Ж., доцентлар А.И.Камилов, И.М.Марупов, Н.Т.Умиров, И.Р.Нуритов, У.Т.Кузиев, катта ўқитувчилар Б.К.Тулаганов, Ш.Х.Абдурахмонов, К.Э.Усманов ассистентлар Э.М.Фанибоева, Р.Ф.Худойкулов, А.А.Бозорбоева стажер-ўқитувчи М.О.Холбўтаевлар фаолият кўрсатишмоқда. 2020-21 ўқув йилида кафедрага профессор Г.Г.Умаровташаббуси билан Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси (мева-сабзавотлар бўйича) бакалаврият йўналиши бўйича талабалар қабул қилинди. Кафедранинг Ички ёнув двигателлари, Трактор ва автомобиллар шассиси тузилиши ва ишлашини, Йўл ҳаракати қоидалари ва хавфсизлик асосларини ўргатиш учун жиҳозланган ўқув-амалий машғулоти хоналари институтнинг В биносида жойлашган. Трактор ва автомобиллар, Автотрактор двигателларива ёнилғи насосларини синаш, Иссиқлик техникаси ва Ёнилғи мойлаш

материаллари лабораториялари Е бинода жойлаштирилган. Лабораторияда тракторни тортиш синови учун жиҳозланган Т-16М трактори, двигател синовини ўтказиш учун жиҳозланган Д-21, 4ВТ-3.9 двигателлари мавжуд. Шунингдек бу ерда харакатланувчи макетлар ва қирқимли моделлар ҳам мавжуд. Институт ўқув тажриба хўжалигидаги талаблар даражасида жиҳозланган ўқув полигонда талабаларга тракторлар ва қишлоқ хўжалиги машиналарини бошқариш бўйича ўқув амалиёти ўтказилади. Амалиёт даврида ТS-130, МТЗ-80Х, ТТЗ-80.11 тракторларидан фойдаланилади.

Қишлоқ хўжалигини меҳанизациялаш fakulteti    Ўқитиладиган фанлар    Илмий ишлар    Тадқиқотчилар    Ҳамкорлар    Кафедра ходимлари    Тўғараклар    Дарс жадвали    Алоқалар